

ТУНДАЛИКЛАР ЁКИ ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Насиба Бўроновна Абдуллаева

ЎзМУ Фалсафа фанлари доктори, проф.в.б

nasiba.abdullayeva.1969@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек адиби ва шоири Асқад Мухтор “Тундаликлар” асарининг фалсафий-эстетик жиҳатлари таҳлил этилган. Ёзувчининг бадиий адабиёт, бадиий ижоднинг моҳиятини ўзига хос афоризмлар орқали баён этгани кўрсатиб ўтилган. Шарқ ва ғарб мутафаккирларининг бадиий ижодга доир фалсафий қарашларига Асқад Мухторнинг ёндошуви тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: адабиёт, бадиий ижод, фалсафа, эстетика, ахлоқ, тафаккур, мушоҳада

ABSTRACT

This article analyzes the philosophical and aesthetic aspects of the work of the Uzbek writer and poet Askad Mukhtar. The essence of fiction, artistic creativity is revealed with the help of specific aphorisms of the writer. The connection between the philosophical views of Eastern and Western thinkers on artistic creativity is studied and the position of the writer is determined.

Keywords: literature, artistic perception, philosophy, aesthetics, ethics, thinking, observation

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются философско-эстетические аспекты творчества узбекского писателя и поэта Аскада Мухтара. Раскрыто суть художественной литературы, художественного творчества с помощью конкретных афоризмов писателя. Изучена связь философские взгляды восточных и западных мыслителей на художественное творчество и определено подход писателя.

Ключевые слова: литература, художественная литература, философия, эстетика, этика, мышление, наблюдение

Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори халқ маънавиятининг кўзгуси бўлмиш бадиий ижод, хусусан бадиий адабиёт ривожига ҳам давлатимиз, жамиятимизнинг



доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Буни ўзбек адабиётига эътиборнинг умуммиллат ва умумдавлат даражасига кўтарилгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарор адабиётга бўлган эътиборнинг юксак намунаси сифатида қабул қилинганини эътироф этмоқ лозим. Ушбу қарорда ўзбек адабиётини янада ривожлантириш, адабиётимиз ривожига ҳисса қўшган кекса авлод вакилларига эътибор қаратиш, қадимий тарихимиз бой маданиятимиз асрий қадриятларимизни тараннум этган мумтоз ва замонавий адабиёт намуналарини хорижий тилларга таржима қилиш каби вазифалар қўйилди. Кўплаб ёзувчи ва шоирларимизнинг хотираси эъзозланиб, уларнинг адабий мероси қайтадан тиклангани, таваллуд саналари кенг нишонланиб келинмоқда. Айниқса XX асрнинг фавқулодда оғир қийинчиликлар ва синовлари ичида шаклланган ва тобланган истеъдодли адиб ва шоирлар ижодига ҳаққоний баҳо бериш, уларнинг асарларини нафақат бадиий, балки ахлоқий-эстетик жиҳатдан тадқиқ этиш бугун долзарб масалалардандир.

XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакиллари билан бири Асқад Мухтор ижоди серқирра ва ранг-баранглиги, фалсафийлиги билан нафақат адабиётшунослар, балки файласуфларни ҳам ўзига жалб этиб келмоқда. Зеро, адибнинг меросини фалсафий-эстетик жиҳатдан тадқиқ этиш адабиёт учун ҳам, эстетика учун ҳам бирдай аҳамият касб этади. Адиб ҳаётни фалсафий англаши, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, севги ва нафрат, гўзаллик ва хунуклик, улуғворлик ва тубанлик, фожеавийлик ва кулгилик каби ахлоқий-эстетик тушунчаларнинг моҳиятини чуқур тушуниши, улар ҳақида ўз хулосаларига эгаллиги айниқса унинг “Тундаликлар” асарида яққол намоён бўлади. Адиб таъбири билан “Тундаликлар” яъни “Уйқу қочганда” асари муаллифнинг тунги кечинмалари, фикр-мулоҳазалари маҳсулидир. Бу ҳақида Асқад Мухтор “Кейинги вақтда кексалик, хасталик сабаб жуда кам уйқу бўлиб қолдим. Уйқу қочганда боши-кети йўқ, узук-юлуқ ўй-хаёл қалашиб келавераркан. Шунда тунчироқ остида турган дафтарга тасодифий фикрларни ёзиб қўядиган бўлдим” [1.3] деб айтади. Аммо тасодифий фикрлар деб атаган бу битикларда адибнинг гўзал қалби, мушоҳадакор тафаккури, катта ҳаётий тажрибаси намоён бўлади.

Адабиётшунос олим Наим Каримов: “Тундалик “Тафаккур” журнали саҳифаларига эълон қилиниши билан адабиётимизда Асқад Мухторнинг бошқа бирорта асарига ўхшамаган ҳатто минг йиллик адабиётимиз шу пайтгача кўрмаган янги бир жанр



янги бир адабий дурдона пайдо бўлди” [2.35] деб тўғри таъкидлайди. “Тундаликлар” ахлоқий-эстетик мазмун уйғун бўлган янги бир жанр, панднома асар десак хато қилмаймиз. Асқад Мухтор ҳаёт ҳақида ўзининг ахлоқий-эстетик қарашларини чиройли, самимий баён этади. Бу қарашлар асл ҳаётдан, адибнинг тажрибаларидан келиб чиққан хулосалар эканлиги ва сиз-у-биз учун ҳам фойдали ва кераклигини эканлигини ҳис қиласиз. “Мен камтарман” деган одамни камтар экан деб ўйламанг”, одамлар сени билмаса ҳам, сен одамларни бил”, “Физикада оқибат сабабга тенг. Ахлоқ ҳам шундай” [1.16] каби доно ўғитларида фикрнинг қисқалиги, таъсирчанлиги, мантиқий изчиллиги, улардан керакли хулоса чиқариб, ахлоқшуносликнинг муҳим мезоний тушунча ва меъёрларлари таҳлил этилганида ҳам намоён бўлади.

Асқад Мухтор “Уйқу қочганда” асарининг иккинчи дафтарида асосан адабиёт масалаларига тўхтаб ўтади. У шоир ва шеърий сўз хусусида буюк файласуфларнинг фикрларига ҳам мурожаат этади. “Шоирнинг қалб бойлиги реал ҳаётнинг вазиятлардан устунлигини Гегел ҳам айтади. Шеллингнинг ёзишича, шеърий сўз туғдирган идеал дунёнинг бизга объектив дунё бўлиб кўриниши инсоннинг Илоҳ ҳақидаги абадий тушунчаси билан боғлиқ. Файласуф Новалис айтадики, “Шоир ва авлиё азалдан бир бўлган, лекин чинакам шоир ҳали ҳам авлиё ва чинакам авлиё ҳалиям шоирдир” [1.17] каби фикрлари билан шеърнинг илоҳий билан боғлиқлиги, ақл воситасида бошқариб бўлмайдиган ҳодиса сифатида ҳам намоён бўлишига эътибор қаратади. Адиб “Ҳақиқат, эзгулик, гўзаллик” деган учликни Рабиндранат Тагор Кантдан олган дейдилар. Бу- хато. Бу “учлик” аслида қадимий ҳинд адабиётига хосдир. Шеърий сўз ва умуман санъатдан завқ олиш илоҳий ҳис экани, инсондаги тасаввур сеҳри азалий муқаддас ҳодиса эканини Санскрит эстетикасининг асоси бўлган” [1.17] дея таъкидлайди.

Бу ҳақида файласуф шоир Абдулла Шер ҳам илҳом ва унинг бадиий ижод жараёнидаги ўрнини таҳлил этар экан “Бадиий ижод жараёнида тасаввур билан бирга илҳом ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Уни илоҳий, мўъжизавий пари(қадимий юнонларда музалар) тарзида тасаввур қилиш одатга айланган. Лекин у асл ижодкорнинг илмий жиҳатдан нима эканини аниқлаб, хусусиятларини белгилаб бўлмайдиган руҳий ҳолат. Тўғрироғи у ниҳоятда кўтаринки руҳ [3.64] эканини таъкидлайди.

Асқад Мухтор бадиий сўзнинг илоҳий эканлигини айтиб ўтади. Шоирнинг фалсафани, файласуфлар меросини яхши билиши асарлари фалсафий мушоҳадага бойлиги

донолар ҳикматини севиши билан изоҳланади. Асқад Мухтор сўз санъати борасида алоҳида тўхталар экан Шарқ адабиётининг Ғарбга, айниқса, мумтоз шеърятга таъсири ҳақида теран фикр юритади. “Шарқ шеърятти-муҳаббат ва меҳр тўла, гўзал ва ҳассос, юксак бадий рамз ва ташбеҳларга бой, эркин, инсоний, теран фалсафий, анъанавий романтик шеърят. Қадимдан шундай. У асрлар давомида Ғарб адабиётининг романтик руҳини бир неча бор қутқариб қолди. Ғарбда аввал эллинизм таъсиридаги романтика жонланди. Лекин, бу юксак ва бақувват эстетик оқимни дастлаб хоч юришлари, қилич-қалқонли рицарлар, инквизиция гулханлари, қонли қирғинлар бўғиб ташлади...Кузатишларимизга қараганда Ғарб романтикасини бу балолардан ҳам ўша “табиий дунё”, ўша ориентал оқим” яъни Шарқнинг беназир гўзал, эркин, романтик шеърятти сақлаб қолди” [1.24] дейди. Нафақат Шарқ ва Ғарб адабиёти, санъати балки қадим юнон файласуфларидан тортиб, олмон мумтоз фалсафаси, тасаввуф фалсафасини яхши билган кишигина ушбу фикрларни айтиши мумкин. Асқад Мухтор ана шундай кенг билимга эга файласуф, таҳлилий идрокка эга бўлган шоир ва олим эди. У фикрлаш, тафаккур ривожига катта эътибор қаратган. Бу ҳақида адибнинг: Биз нимаики ёзсак, кимдандир иқтибос оламиз. Фалон донишманд бундай деган, фалон классик ундай деган..Улуғларнинг “афоризм”ларини бутун-бутун китоблар ҳолида нашр этамиз. Ваҳоланки, уларнинг кўпи аллақачон ҳеч қанақа “суянчикқа” муҳтож бўлмаган, ҳаммага маълум оддий ҳақиқатлар. Бу дидактик консерватизм оригинал тафаккур ривожига халақит бермайдими? Мен улуғларга қарши эмасман, аммо ўз фикрлаш салоҳиятимизни ҳам ишга солишимиз керак-да...”[1.25] дейди.

Асқад Мухторнинг ҳаётий кузатишлари асосида юзага келган “Тундаликлар”и ҳикматли сўзларларгина эмас, балки фалсафий мушоҳадалардир. Адиб олам ва одамнинг ўзаро муносабатини, инсонга хос фазилят ва иллатлар, унинг фаолияти ва ҳаётий моҳиятини очишга ҳаракат қилади.

Асқад Мухтор ижодий ҳаёти мобайнида назм ва насрда бир қанча асарлар яратди. Адиб ижоди асосан ўзбек адабиётшунос ва филолог олимларидан О.Шарафиддинов, Н.Каримов, П.Шермухамедов, О.Тоғаев, М.Қўшжонов, Б.Сайимов, Ғ.Саломов, Н.Каримов А.Сабирдинов, М.Жўраева, З.Тошпўлатовлар томонидан ўрганилган. Ушбу тадқиқотларда унинг шеърый ва насрий асарлари адабий-танқидий нуқтаи назардан таҳлил этилган. Аммо улар



орасида “Тундаликлар” асари фалсафий моҳияти билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Адиб асарларини фалсафий, ахлоқий-эстетик жиҳатдан тадқиқ этиш нафақат адабиёт балки фалсафа илмини ҳам бойитади ва ёшларни эстетик тарбиялашда ўзининг катта ҳиссасини қўшади.

Маълумки ижодкор учун икки умр мавжуд. Асқад Мухтор “Тундаликлари” да ҳаётининг асл мазмуни давом этмоқда. Бу асар ижодкорлар, адабиётшунослар, файласуфлар томонидан эъзозланар экан файласуф шоир, адиб, драматург Асқад Мухторнинг умри давом этаверади. Хулоса қиладиган бўлсак, Асқад Мухтор “Тундаликлар”и нафақат ўзбек адабиёти балки ўзбек фалсафасида аҳамиятга эга бўлган асар ҳисобланади.

REFERENCES

1. Асқад Мухтор. Уйқу қочганда. Тошкент: Маънавият, 1982, 3-бет
2. З. Тошпўлатов. Асқад Мухтор афоризмлари.// Тил ва адабиёт таълими.- 2008, №2, 35 бет
3. А.Шер,В. Нусанов. Эстетика.-Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашрийоти.- 2010, 164 б

